

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИНИНГ
ДОЛЗАРҒ МУАММОЛАРИ”
мавзусидаги**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

Наманган – 2018

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-Ф-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 233-сонли буйруғига биноан Наманган давлат университетида 2018 йилнинг 19-20 апрел кунлари **“Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари”** мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материалларини ўзида жамлаган. Унда Фарғона водийси археологияси, этнологияси, ўрта асрлар, Қўқон хонлиги, Россия империяси, совет мустамлакачилиги, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даври муаммоларига оид долзарб мавзулар доирасидаги ранг-баранг мақолалар кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола қилинган.

Умуман олганда, ушбу тўпламдан республикаимиз олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлари, мустақил тадқиқотчи ва тарихчи олимларнинг сўнгги илмий тадқиқотлари натижалари ўрин олган.

Китоб Фарғона водийси тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. **А.Н. Расулов**

Таҳрир хайъати: т.ф.н., доц. **Н.Б.Дехканов**, т.ф.н. **А.А.Эркўзиев**, т.ф.н., доц. **А.А. Саримсоков**, т.ф.н., доц. **А.А.Исоқбоев**, т.ф.н., доц. **З.Ш.Мадрахимов**, кат.ўқт. **А.Ш.Тўхтабаев**.

Муҳаррир: т.ф.д. (PhD) **Б.Р. Халмуратов**

Ушбу тўпламдаги мақолалар ҳолисона ёритилганлиги, келтирилган далиллар ва илмий муомалага киритилган манбалар асосли эканлиги бўйича масъулият муаллифлар зиммасида.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИ

XIX аср бошларига қадар ўзбек халқида консолидация жараёни ниҳоясига етмаган эди. Шу боис, унинг таркибига бирикаётган бир қатор этнографик гуруҳлар ҳали ўзлари учун анъанавий бўлган этник жиҳатларини сақлаб қолаётган ва ушбу хусусиятлари билан ён-атрофдаги бошқа этнослардан фаркланиб турар эдилар. Қипчоқ, турк, юз, курама каби этносларни ушбу даврда Фарғона водийси шароитида этник хусусиятларини нисбатан яхши сақлаб қолаётган субэтнослар сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Фарғона этник тарихи муаммоларидан бири бу ҳудудда ўтмишда яшаган этнографик гуруҳларни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишдир.

XVI аср бошларида кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннахрни босиб олганларидан сўнг Фарғона водийси бир неча ўзбек қабилалари учун кўчиб юриш учун жой сифатида белгиланди. Қўқон чегараларида, Ашпар атрофларида – минглар, Хўжанд атрофларида – юзлар, Андижон атрофларида – турк ва қипчоқлар, Марғилон ва Наманган оралиғида қипчоқлар кўчманчиликда ҳаёт кечирганлар¹.

Фарғона водийсига кўплаб Шайбоний қўшини билан ўзбек қабилалари кириб келиб, шу ердаги туркий уруғлар билан аралашиб ҳудуддаги ўзбек элементини ошиб боришига ва минг, қипчоқ, қорақалпоқ, турк, қирқ, юз, найман, сарой қабиларини сиёсий жиҳатдан етакчи бўлишига олиб келади².

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих”³ ва Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансоб ас-салотин...”⁴ асарларида Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлиги боис турли этнографик гуруҳларнинг хонлик ҳудудида жойлашгани ва уларнинг хонликдаги мавқеи ҳақида алоҳида тилга олиниб, маълумотлар берилади.

Қипчоқларнинг Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашуви жараёни бир неча асрни ўз ичига олади⁵. Эҳтимол, уларнинг баъзи бир гуруҳлари Шайбонийхон қўшинлари бу ерга кириб келгунга қадар ҳам Фарғона водийсида пайдо бўлгандирлар⁶. Ушбу масала билан махсус шуғулланган К. Шониёзов бу жараённи янада аниқроқ сана – XVIII асрнинг 20–30- йиллари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, қалмиқлар таъкибидан қочган қипчоқларнинг катта

¹ Валиханов Ч. Ч. Записки о Кокандском ханстве // Соч.: В 5 т., Т. III. – Алма-Ата, 1985. – С. 315, 321; Шониёзов К. Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – Б. 77.

² Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей сведения об их численности // Живая старина. – СПб., 1896 – С. 426.

³ Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв № 594.

⁴ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ас- салотин... 29а-варақ, 99 б- варақ.

⁵ Аристов Н. А. Опыт выяснения этнического состава киргиз – казаков Большой Орды и кара-киргизов // Живая старина. – 1894. Вып III–IV. – С. 432–433.; Унинг ўзи: Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей сведения об их численности // Живая старина. – СПб., 1896 –С. 369, 426–427.; Губаева С. С. Этнический состав население Ферганы в конце XIX – начале XIX (по данным топономии). – Т., 1983. – С. 45, 72.; Наливкин В. П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. –С. 17.

⁶ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т., 2005. – Б. 16.

гуруҳи айни шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларига келиб жойлашган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Қўқон хонлигида қипчоқлар фақатгина Андижон вилоятида жойлашибгина қолмасдан, хонликнинг Наманган ва Марғилон вилоятлари ҳамда Қўқон атрофида ҳам яшаганлар.

XIX асрда қипчоқлар Қўқон хонлигида ўз нуфузига кўра, кучли қабила ва гуруҳга айланиб, хонликнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлаганлар.

Фарғона қипчоқларининг аксарияти Андижон уездида – Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Айримлари Наманган уезди ҳудудида – Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшо Ота, Норин, Ғова каби дарё ва сой ҳавзаларида ҳамда Янгиариқ канали атрофида истиқомат қилган⁷.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида водий ҳудудида яшаган қипчоқлар тўрт катта гуруҳга бўлинган. Булар – қипчоқлар, қирғиз-қипчоқлар, хитой-қипчоқлар ва сарт-қипчоқлар⁸.

Ушбу қипчоқ гуруҳлари ўз ўрнида бир қанча уруғларга бўлинганлар. Жумладан қўғай, буғоч, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучуғой, элатан, бўғоз, оғим, тоз, сирмоқ, етти қашка, қутлуксаид, черек, кўкмўйин, тўртайғир, тўртой, товулди, чангроқчи, чиял, кулон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-қипчоқ, қорамоюн, катта-ўлмас, элатан, яйдоқ, қўйқулоқ, оғин, жикан, тўртойлик, туячи, сарой, ёрбоши, қози каби уруғлари Фарғона водийсида қайд этилган. Юкорида кўрсатиб ўтилган Фарғона водийси қипчоқларининг уруғлари ичида энг йириклари бу еттиқашка, ўлмас, кулон, элатан ва яшиқ этнонимлари билан аталувчи уруғлар ҳисобланган⁹. Фарғона водийсида қипчоқ уруғларига номлари билан кўплаб этнонимлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти жой номларида акс этган¹⁰.

Водий этнографик гуруҳлардан яна бири турклар бўлиб, улар ўзбек халқининг асосий қатламларидан бири ҳисобланади.

Туркларнинг кўчиб келиб жойлашуви даври ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд¹¹. Адабиётларда туркларни асосан водийнинг жанубий шарқий қисмида жойлашган, Фарғона водийси чегараларида турклар Шайбонийхон ўзбеклари томонидан теккисликлар томонидан тоғолди ва юкори тоғ томонларга сиқиб

⁷ Шаниязов К. Ш. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период (Процессы интеграции) / Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С. 139–140.

⁸ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа.... – С. 116.

⁹ Винников Я. Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС.– М., 1959. – С. 402.; Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа.... – С. 143.

¹⁰ Губаева С. С. Этнический состав население Ферганы в конце....– С. 44.

¹¹ Губаева С. С. Этнический состав население Ферганы в конце....– С. 68.; Иногенов Ш. И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах УзССР. Дисс....канд.ист.наук. – Т., 1959.; Винников В. Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып.2. – М., 1959. – С. 395–396; Ошанин Л. В. Антропологический состав и вопросы этногенеза таджикских и узбекских племен южного Таджикистана. – Труды института истории, археологии и этнографии АН ТаджССР. Т.LXII. – Сталинабад, 1957.– С. 42–45.; Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области / Тр. САГУ, новая серия, Вып. 143, Биологические науки, кн. 35. – Т., 1958.– С. 72–82.; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Узбекистана и Таджикистана. – М., 1976. – С. 73–76, 166–186.; Гаврилов М. Ф. Материалы к этнографии «тюрок» Ура-Тюбинского района // ТСАГУ. Серия II. Orientalia. Вып. 2. – Т., 1929. – С. 7.

қўйилган эди¹². Турклар ўз қўйларини боқиш учун водийнинг ўрта қисмида экинлардан холи кенг текисликлар ва ўсимликлар билан қопланган адирлар жойлашганликлари уларнинг бу ҳудудда яқинда вақт давомида пайдо бўлганликларидан далолат беради¹³. Ўтроқлашаётган турклар табиийки ўзларининг кўчманчилик ҳудудларида жойлашганлар. Шунинг учун туркларнинг манзигохлари Фарғона водийсининг жануб томонида ғарбдан шарққа қадар давом этган адиролди яқинларида жойлашган¹⁴.

Турк этнографик гуруҳидан барлослар, калтатойлар ва турклар каби йирик қабилалар Фарғона водийсида истиқомат қилишган. Туркларнинг йирик гуруҳлардан ташқари водийда уруғ қабила номлари бошқа ерда учрамайдиган майда бўлинмалари ҳам мавжуд бўлган¹⁵. Ўш вилоятининг Аравон туманида туркларнинг: каррак, бешкарам, кўкялабош, ёмонтурк, гўжлар, тангрик, кечатогор, калпатўпи, супалик, қинғирлар, сутхор, кальтатой каби қисмлари яшаганлар. Андижон вилоятида: Турклар компакт тарзда Марҳамат туманининг Қорабағиш, Қорақўрғон, Кўтарма, Шукурмерган ва Қўшчи; Асака туманининг “Янгиобод” жамоа хўжалигида, Хўжаобод туманининг Ширмонбулоқ ва Найман қишлоқлари ҳудудларида истиқомат қилганлар. Қува туманининг Намуна, Бўз туманининг Охунбобоев жамоа хўжалиги. Ўш вилояти: Ўзган тумани, Аравон туманларида яшаганлар¹⁶.

Фарғона водийси ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий роль ўйнаган этнографик гуруҳлардан яна бири юзлар бўлган¹⁷. Фарғона водийси ҳудудида юзлар бир неча қисмга ажралган бўлиб, уларнинг марка, қарапчи, ва қирқ, деб номланувчи бўлинмалари мавжуд эди. Одатда улар маркаюз, қарапчиюз ва қирқюз этнонимлари билан аталган¹⁸. Ушбу этник бўлинмалар ўз навбатида қатор майда уруғлар - марка, уя –солин ва хитойизи (хитой юз)га бўлинганлар.

Фарғона водийсида юзларнинг болоиазим, барчавекюз, чангюз, девонбеги, каллар, қипчоқ, найман, муллатўпи, напкарачюз, сирғали, хаштак, чаукен, эрганақлиюз ва чоркесар каби майда уруғлари қайд этилган¹⁹.

¹² Иногамов Ш. И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины... – С. 59; Винников Я. Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. II. – М., 1959. – С. 389.; Кармышева Б. Х. Этнографическая группа «тюрк»... – С. 5; Кармышева Б. Х. О некоторых древних тюркских племенах в составе узбеков (по этнографическим данным) // Материалы XXV Международного конгресса востоковедов. – М., 1960. – С. 8.; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Узбекистана и Таджикистана / Материалы VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. – М., 1964. – С. 5.

¹³ Кармышева Б. Х. Этнографическая группа «тюрк»... – С. 17.; Губаева С. С. Населения Ферганской долины.. – С. 36.

¹⁴ Наливкин Краткая история.. –С. 6, 99; Винников В. Р. Современное расселение народов.... – С. 393–399; ЦГИА, ф 23, оп 1, д. 532, л. 231–237

¹⁵ Губаева С. С. Этнический состав население Ферганы в конце... – С. 69–70.

¹⁶ Винников В. Р. Современное расселение народов... – С. 389.

¹⁷ Губаева С. С. Расселение племени юз в Ферганской долине на рубеже XIX–XX / Ономастика Средней Азии. – Фрунзе, 1980. – С. 54.; Мир Мухаммед Амини Бухари. Убайдулла–наме www.vostlit.info/2/Texts/2/rus92/Ubajdulla%2text2.phtml; Валихонов Ч. Киргизское родословие / Собр. соч., т. 1. – Алма-Ата, 1961. – С. 208.; Радлов В. В. Средняя Зарфшанская долина / Зап. ИРГО по отд. Этнографии. Т.6. – СПб., 1880.; Валидов А. З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // ПТКЛА. Год XX. Вып. 2. – Т., 1916.; Бранс А. Путешествие в Бухару. – М., 1894. Ч.3. – С. 367.; Наливкин В. П. Краткая история.... – С. 56

¹⁸ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этносларо жараёнлар... – Б. 15.

¹⁹ Қаранг: Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари... – Б. 83–84.; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Узбекистана и Таджикистана. – М., 1976. – С. 223–224.

XIX- XX асрларда юзларнинг асосий қисми водий ҳудудига туташ бўлган Зомин ва Ўратепада яшаганлар²⁰. Бундан ташқари, Андижон вилоятининг Балиқчи, Асака, Шаҳрихон, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларида жойлашган бир қанча қишлоқларида ҳам яшаган²¹.

Юзлар асосан, Фарғонанинг пастекислиги бўйлаб тарқалиб, ҳатто Қурама тизмаси тоғолди ҳудудларгача бориб етиб, водийнинг жанубий ғарбий бурчагида истиқомат қилишган²². Юзлар Фарғона водийсининг бошқа ҳудудлари Балиқчи, Шаҳрихон, Асака, Қува туманларида ҳам истиқомат қилганлар²³.

Фарғона водийсига қурама этнографик гуруҳларнинг кўчиб ўтиши бир неча босқичларни ўз ичига олади. Айрим ахборотчилар XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошлари деб белгиласалар, бошқалар ўз аجدодларини XVII асрда Фарғона водийсига кўчиб ўтганлар деб белгилайдилар. Қурамаларнинг водийга кўчиб ўтиш сабаблари қолган ярим кўчманчиларники сингари ўз чорвалари учун яйлов топиш эди. Қурамалар Фарғона водийсига Ангреннинг Теляу, Хонобод, Жалоир, Абжаз, Карактай ва бошқа қишлоқлардан ва Қурама тоғ тизмаларидаги доволар Саримсоқлик, Қорақия, Кендирдован ва бошқалар орқали келган. Қурамаларнинг айрим қисмлари Қурама тоғ тизмалари этакларида жойлашган бўлса, қолган қисмлари Фарғона водийсининг ичкарасига ўзларининг чорвалари учун бир мунча қулай яйловлар кириб борганлар. Водийдаги аҳолини зичлиги ва яйлов ўтлоқларни етишмаслиги туфайли Қурама тоғ тизмалари этакларида қолган қурамаларга нисбатан тезда ўтроқлашувга ва ўтроқ аҳоли билан аралашиб кетишига олиб келди.

Фарғона водийсига қурамаларнинг қуйидаги гуруҳлари ўз қисмлари билан бирга кўчиб ўтганлар: жалоирлар: кереит, жапалак, турайғир, тупар, қарочопон, чувалдак, жастабан; тамалар: чубаланчи, олчин; уйшун: чувилдак, абиз, бешкал, кўрпа; теляу: қорағўйли, қорасийрак; унгут; абджаз; ўроқли; болғали; ғишлик ва бошқалар. Қурамалар Наманган вилоятида Тўрақўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида; Фарғона вилоятида Бешарик, Қўқон атрофларида, Қува ва Риштон туманларида; Андижон вилоятида Избоскан, Асака, Шаҳрихон, Олтинкўл, Пахтаобод туманларида рўйхатга олинган²⁴. Кўчманчиликдан ва ярим кўчманчиликдан ўтроқликка ўтган қурамалар Фарғона водийсида алоҳида тарзда жойлашган²⁵. Қурамалар Фарғона водийсида жойлашган этнографик гуруҳларга нисбатан сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилган²⁶.

Ўрганилаётган даврга келиб этнографик гуруҳларнинг асосий қисми ўтроқ турмуш тарзига ҳамда деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиб бўлган эди. Бироқ, уларнинг катта бир қисми то XX аср бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, ўзлари учун анъанавий бўлган чорвачиликни деҳқончилик билан

²⁰ Каранг: Гребенкин А. Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник, изданий по поводу политехнической выставки. Вып 11. – М., 1872. – С. 91–93.; Мухтаров А. Очерки истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе, 1984. – С. 17.; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов.... – С. 222.

²¹ Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце.... – С. 66–67.

²² Губаева С. С. Расселение племени юз в Ферганской долине на рубеже.... – С. 56.

²³ Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце.... – С. 66–67.

²⁴ Губаева С. С. Населения Ферганской долины в конце... – С. 40.

²⁵ История народов Узбекистана. Т.2. – Т., 1947. – С. 309.

²⁶ Иногенов Ш. И. Этнический состав населения и.... – С. 65.

қўшиб олиб борганлар. Айни вақтда ушбу ярим ўтроқ аҳоли ўзларининг тузилишларида уруғ ва қабилаларга бўлиниш принципларини сақлаб қолганлар²⁷.

XIX–XX асрлар чегараси Фарғона водийсида истиқомат қилаётганлар ўзлигини англаш соҳасида трансформация юз бераётган бир давр бўлиб, статистик маълумотлар бuni тасдиқлайди. Баъзи бир этник жамоалар рўйхатларда йўқолиб бора бошлайди.

²⁷ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б. 17.